

А Ж Р И М

(судланганлик ҳолатини муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисида)

2022 йил 14 январъ

Наманган шаҳри.

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, шаҳар судининг судьяси Б.Таваккаловнинг раислигида, Ж.Мухаммадаминовнинг котиблигида, прокурор ёрдамчиси О.Мамаджоновнинг иштирокида судланган Мамаджанов Абдумалик Ахмадовичнинг судланганлик ҳолатини муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосномаси ва унга илова қилинган хужжатлар кўриб чиқилиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И :

Судланган Мамаджанов Абдумалик Ахмадович – 16.09.1970 йилда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, Наманган шаҳри 3-кичик туман 59-уй 46-хонадонда яшайди.

1. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 04.07. 2008 йилдаги ҳукми билан ЎзР ЖК 165-моддаси 3-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “а” банди, 28-182-моддаси 2-қисми “а” банди, 28-211-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖК 59-моддасига асосан 12 (ўн икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, тайинланган жазо жазо муддати 05.02.2008 йилдан бошлаб ҳисобланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сенатининг “Амнистия тўғрисида” ги Қарорига кўра тайинланган жазо муддати тўртдан бир қисмга қисқартирилган.
2. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 07.08.2020 йилдаги ҳукми билан ЎзР ЖК 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан 40.546.000 сўм жиноий жарима жазоси тайинланиб жиноий жарима 27.08.2020 йилдаги Мажбурий ижро бюросининг Наманган шаҳар бўлими қарори билан ижро ҳаракатлари тамомланган.

Илтимосномада Мамаджанов Абдумалик интизомий ва маъмурий жазога тортилмаганлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини кўрсатиб, келажақда судланганлик ҳолати Мамаджанов Абдумаликнинг фарзандларига таъсир қилмаслиги учун ЖК 79-моддаси 1-қисмига асосан унинг судланганлик ҳолатини олиб ташлаш тўғрисида ажрим чиқариб беришни сўраган.

79-моддасида агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб булганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий жазо таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра суд ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярмини ўтаганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкинлиги;

80-моддасида судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни



олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланиши;

2-қисмида агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланиши кўрсатилган.

Ушбу Кодекснинг 78-модда “ж” бандида “ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – ўн йил ўтгач” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 18 сентябрдаги “Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 4-банди 3-хатбошида судланганлик олиб ташланиши учун шахснинг жазони ўтаб чиққандан кейинги бенуқсон хулқ-атвори (унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чораси қўлланилмаганлиги), жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки шахснинг ўзи **ЖК 79-моддасининг** биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган муддатлар ўтгандан сўнг берган илтимосномаси асос бўлиши мумкинлиги;

Суд иш ҳужжатлари билан танишиб, уларни атрофлича муҳокама қилиб, Мамаджанов Абдумаликни яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, суд томонидан тайинланган жазосидан 27.08.2020 йилда тўлиқ озод бўлганини, судланганлик муддатини ярмидан кўп қисми амалда ўтганлигини, жазони ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чораси қўлланилмаганини, уни судланганлигини олиб ташлашга қонуний асослар етарли эканлигини эътиборга олиб, илтимосномани қаноатлантиришни лозим топди.

Бинобарин, суд юқоридагиларга асосан ҳамда ЎЗР ЖК 78-80-моддалари ва ЎЗР ЖПК 541, 544-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Мамаджанов Абдумалик Ахмадовичнинг судланганлик ҳолатини муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Мамаджанов Абдумалик Ахмадовичнинг судланганлик ҳолати муддатидан илгари олиб ташлансин.

Ажрим нусхаси маълумот учун судланган шахс ва Наманган вилоят ИИБ ахборот марказига юборилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб 20 сутка муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига хусусий тартибда шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:



СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

2022 йил 14 январь куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья Б.Таваккаловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Мухаммадаминовнинг котиблигида, прокурор ёрдамчиси О.Мамаджановнинг иштирокида судланган Мамаджанов Абдумалик Ахмадовичнинг судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилди.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, ўзини таништириб, қандай иш кўрилишини эълон қилди.

Суд мажлиси котиби судга давлат айбловчиси ва илтимоснома берувчи ҳозирлиги ҳақида ахборот берди.

Раислик қилувчи илтимоснома берувчининг шахсини аниқлади.

Мамаджанов Абдумалик Ахмадович – 16.09.1970 йилда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, Наманган шаҳри 3-кичик туман 59-уй 46-хонадонда яшайди.

1. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 04.07. 2008 йилдаги ҳукми билан ЎзР ЖК 165-моддаси 3-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “а” банди, 28-182-моддаси 2-қисми “а” банди, 28-211-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилди, ЖК 59-моддасига асосан 12 (ўн икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, тайинланган жазо жазо муддати 05.02.2008 йилдан бошлаб хисобланган. 12 (ўн икки) озодликдан маҳрум қилиш жазосидан 15.10.2016 йилдаги ажрим билан муддатидан илгари шартли озод қилинган.
2. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 07.08.2020 йилдаги ҳукми билан ЎзР ЖК 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбли деб топилди, унга нисбатан 40.546.000 сўм жиноий жарима жазоси тайинланиб жиноий жарима 27.08.2020 йилдаги Мажбурий ижро бюросининг Наманган шаҳар бўлими қарори билан ижро ҳаракатлари تامомланган.

Мамаджанов Абдумалик Ахмадовичнинг шахси юзасидан саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи Мамаджанов Абдумалик Ахмадовичга унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жумлоадан ҳимоячи олиш ҳуқуқини тушунтирди.

Раислик қилувчи илтимосномани ўқиб эшиттирди.

Раислик қилувчи илтимоснома юзасидан тарафлар фикрини сўради:

Давлат айбловчиси фикри: Ҳурматли раислик қилувчи, маҳкум Мамаджанов Абдумаликга жазоларни ўтаб бўлганини эътиборга олиб, илтимосномани қаноатлантиришини сўрайман.

Мамаджанов Абдумаликнинг фикри: Ҳурматли раислик қилувчи, мени судланганлик ҳолатимни муддатидан илгари олиб ташлашни сўрайман.

Раислик қилувчи ўз ўрнида алоҳида хонага киришга ажрим қилди.



Суд алохида хонадан ушбу кунни чиқиб, мазкур иш юзасидан чиқарилган ажримни ўқиб эшиттириб, тарафларга ушбу ажрим устидан хусусий тартибда шикоят ва протест келтириш тартиби ва муддатларини тушунтириб ўтиб, суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Раислик қилувчи :

Суд мажлиси котиби:



**JINOYAT ISHLARI
BO'YICHA NAMANGAN
SHAHAR SUDI**



**CRIME COURT OF
NAMANGAN CITY**

*160133, Namangan sh,
N.Nomongoniy ko'chasi, 10-uy*

*160133, Namangan,
N.Nomongoniy street, 10*

Tel: (+99869) 227-76-58
e-mail: j.namangan.sh@sud.uz

№1-3-1601-2205/2
“ ” январь 2022 йил

Наманган вилоят ИИБ Ахборот
маркази бошлиғига

ЖИБ Наманган шаҳар суди томонидан Мамаджанов Абдумалик Ахмадовичга нисбатан судланганлик ҳолатини олиб ташлаш тўғрисида ажрим нусхаси маълумот учун юборилмоқда.

Илова: ажрим нусхаси

Шаҳар судининг судьяси:

Б.Таваккалов

№1-3-1601-2205/2
“ ” январь 2022 йил

Наманган шаҳар “Порлоқ” МФЙ. 3-
кичик туман, 59-уй 46-хонадонда
яшовчи фуқаро Мамаджанов
Абдумалик Ахмадовичга

ЖИБ Наманган шаҳар суди томонидан Мамаджанов Абдумалик Ахмадовичга нисбатан судланганлик ҳолатини олиб ташлаш тўғрисида ажрим нусхаси маълумот учун юборилмоқда.

Илова: ажрим нусхаси.

Шаҳар судининг судьяси:

Б.Таваккалов

